

## **АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТАЛАБАЛАР ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТИДАГИ ЎРНИ**

Нажимидинова Дилноза Гуломжоновна

Андижон машинасозлик институти

“Гуманитар фанлар” кафедраси асисстенти

### **Аннотация**

Тарбия масаласи инсоният пайдо бўлгандан буён энг долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Тадқиқотчилар фикрича, инсоният ҳаётининг ибтидоий даврларида болаларни тарбиялашда стихияли ғоялар пайдо бўлган ва тарбия мазмуни турли даврларда, турли халқ, миллат ва элатларда у ёки бу шаклда бўлишига қарамасдан ибтидоий тўда давридан инсоният онгли ёки онгсиз равишда ушбу мураккаб ва узлуксиз жараённи амалга ошириб келмоқда. Шу ўринда жамиятда ёш авлодни ахлоқий ва иродали тарбиялаш долзарб муоммо бўлиб келган ва доимо шундай бўлиб қолади.

**Таянч сўзлар:** Мафкура, жамият, ёшлар, тарбия, Шарқ, уйғониш, қадрият, ахлоқ, фазилатларни, педагог, дунёқараш.

### **Аннотация:**

Проблема образования была одной из самых актуальных с момента зарождения человечества. По мнению исследователей, в первобытные периоды жизни человека в воспитании детей появлялись стихийные идеи, и, несмотря на то, что содержание образования было в той или иной форме в разные периоды, у разных народов, наций и народностей, человечество со времен первобытных банд сознательно или бессознательно осуществляло этот сложный и непрерывный процесс. На данный момент нравственно-волевое воспитание подрастающего поколения в обществе было и всегда будет актуальной проблемой.

**Ключевые слова:** Идеология, общество, молодежь, воспитание, Восток, возрождение, ценность, этика, добродетель, педагог, мировоззрение.

### **Annotation:**

The problem of education has been one of the most relevant since the dawn of mankind. According to researchers, in the primitive periods of a person's life,



spontaneous ideas appeared in the upbringing of children, and, despite the fact that the content of education was in one form or another in different periods, among different peoples, nations and nationalities, since the time of primitive bands, humanity has consciously or unconsciously carried out this complex and continuous process. At the moment, the moral and volitional education of the younger generation in society has been and will always be an urgent problem.

**Key words:** Ideology, society, youth, education, East, revival, value, ethics, virtue, teacher, worldview.

Хозирги мафкуравий таҳдидлар кундан кунга кучаяётган айни пайтда ёшларни, айниқса, мактаб ўқувчиларини тарбиялаш муоммоларини ҳал этиш масаласини қийинлаштирумокда. Чунки, бугунги замонавий жамиятда аксарият болаларнинг иродавий ривожланишда заифлик ва ҳатти-харакатларида салбий ҳарактер хусусиятларнинг намоён бўлиши, ўсиб келаётган ёш авлодни ахлоқий сифатларини тарбиялашни етакчи масала сифатида намоён қиласди.[1]

Ёшларнинг маълум бир қисми айниқса ўсмирлар томонидан қабул қилинган идеаллар, меъёр, ҳамда қадриятлар ёш авлодни ахлоқий ва иродали тарбиялашнинг бутун тизимини такомиллаштириш заруритини юзага келтирмоқда.

Педагогик фикрлар тарихидан маълумки, Шарқ уйғониш даври алломалари асарларида шахс камолотида ахлоқий тарбиянинг ўрни ҳақидаги қарашлар алоҳида ўрин эгаллайди. Абу Нарс Форобий “Фозил одамлар шахри” асарида ахлоқий фазилатларни билимлилик, донолик, фаросатлилик, халқ манфаатларини шахсий истаклардан устун қўйиш билан белгилайди. Форобийнинг фикрича, ахлоқ инсоннинг ақлий тафаккури билан боғлиқ. Шу мақсадларда ёшлар ақлий тарбиясига катта эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди.[3] Беруний билим олишни ахлоқий тарбия билан боғлади. Берунийнинг инсон камолотида ахлоқий тарбиянинг мухим эканлиги тўғрисидаги фикрлари “Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар”, “Хиндистон”, “Минералогия”, “Гиодезия” ва бошка асарларида ўз ифодасини топган. [4] Берунийнинг фикрича, ахлоқ инсон моҳиятини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Ахлоқий сифатлар бевосита жамиятда шахсларнинг ўзаро мулоқоти, меҳнат муносабатларида таркиб топади.



Ибн Синонинг фикрича, ахлоқ кишиларнинг ўзига ва бошқаларга нисбатан хатти - ҳаракати меъёрлари ва қоидаларини ўрганади.[2] Кайковус “Қобуснома” асарида жувонмардлик ғоясини илгари сурар экан, бунда ёшлар тарбиясида энг муҳими ахлоқ тарбияси эканлигини кўрсатади. У ёшларда одамларга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш,adolatлилик, самийлик каби сифатларни шакллантириш лозимлигини таъкидлайди.[10] Ахлоқий сифатлар талқини ва уларнинг ёшлар хулқ-атворида намоён бўлишида оиланинг, ижтимоий муносабатларнинг ўрни, жамият келажагини белгилаб берувчи омил эканлиги тўғрисидаги фикрлар Ахмад Юғнакий, Муслиҳиддин Саъдий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа кўпгина алломалар асарларида ўз ифодасини топган.[5]

Ёшлар тарбияси, уларнинг дунёқараши ва ўзлигини англаши масаласи мамлакат тараққиёти, мустақиллиги, келажагини кафолатловчи муҳим омил ҳисобланади. Айниқса, глобаллашув жараёни хаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олаётган шароитда ёшларда ахлоқий қадриятлар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Замонавий таълим жараёнида инсонни ўз тақдирини ўзи белгилаш ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтирилган таълим майдони яратилиши зарурияти мавжудки, бу ўсмирларга келажакда ўзлигини англаш, шунингдек алкоголизм, гиёҳвандлик каби салбий ижтимоий ҳодисалардан қочиш қобилиятини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакат ёшларини маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш, иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни давлат ва жамиятнинг ривожига кенг жалб этиш, ташаббусларини етарли даражада қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳуқуқий асослар, иқтисодий имкониятлар ва ташкилий механизmlарни янада кенгайтиришга хизмат қиласди. Республикаизда таълимнинг мазмуни “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунлари, ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган ҳужжатлари, хусусан, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги конвенциялар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ёшлар-2030» стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосланади. Мамлакатимизда кейинги ўн йилликда таълим ва тарбия жараёнида кенг кўламли, изчил ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев 2021 йилнинг энг муҳим устивор вазифалари ҳақидаги Олий Мажлисга



Мурожатномасида “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улутбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиш керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим” - деган эдилар. Айни шу мақсадларни амалга оширишда мамлакатимиз президентининг бир қатор фармон ва қарорлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрда қабул қилинган 1059-сон Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилингандиги амалий ҳаракатларда дастуралмал вазифасини ўтайди.[6]

Жамиятда ахлоқий тарбиянинг вазифалари қўйидагилардан иборат: - юксак ахлоқ меъёрларига мос келадиган ахлоқий онгни, яъни, ахлоқий тушунчалар, қарашлар ва баҳоларни шакллантириш; - ахлоқий туйғуларни шакллантириш: ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, жамоавийлик туйғуси, дўстлик, ахлоқий меъёрларнинг бузилишига муросасизлик ҳисси ва ҳ.з; - ахлоқий фазилатларни, ахлоқий меъёрларга риоя қилиш одатларини, ижтимоий асосли хулқ-атвор кўнилмаларини шакллантириш (мехнат натижалари ва маънавий ва моддий маданият обьектларини хурмат қилиш, ота-она ва катталарга хурмат, ҳалоллик, ҳаё, виждонлилик ва бошқалар); - иродавий хусусиятлар ва шахсий хусусиятларини тарбиялаш:жасорат, қатъият, ғалаба қозониш истаги, ўзини тута билиш ва ҳ.з. Ахлоқ масаласи ва унинг шахсни ривожлантиришдаги роли минг йиллар давомида одамзодни шахснинг ахлоқий сифатларини шакллантирувчи мотивлари бўйича турли нуқтаи назарларни юзага келтирган. Ёшлар тарбиясида ахлоқ-одоб масалалари барча даврларда олимлар, тадқиқотчилар учун долзарб масала бўлиб мазкур масалада биологик ёндашувга таянувчилар ахлоқий сифатларнинг шаклланишини ирсият билан боғлашса, бошқа бир гурӯҳ олимлар ёндашувига қўра ахлоқ таълим ва тарбия сифати, маҳсули билан белгиланади. Учинчи ёндашув вакиллари эса ахлоқий фазилатлар интеграциялашган шаклланиш бўлиб, туғма психофизиологик қотишима ҳисобланади, деган фикрни асосламоқдалар.[7]

Олимларнинг фикрича, инсоният ҳаётининг ибтидоий давридаёқ болаларни тарбиялашда стихияли ғоялар пайдо бўлади ва такомиллашиб боради. Марказий Осиё ҳалқларининг ўтмишдаги педагогик қарашлар тарихини



ўрганиш, таҳлил қилиш халқимизнинг жаҳон педагогика фани ривожига бебаҳо ҳисса қўшганлигидан далолат беради. Ўтмишдаги педагогик анъаналарига қизиқишининг ижобий жиҳати шундаки, бу ўз навбатида шахсда ўз-ўзини англашнинг ўсиши ва янги тарихий шароитларда таълимнинг энг самарали шакл ва усулларини қайта тиклашга интилиш билан боғлиқ. Шу ўринда Марказий Осиёда илк педагогик қарашлар Зардуштийликнинг муқаддас манбаси “Авесто” да ўз аксини топган бўлиб, бунда аждодларимизнинг бола тарбиясидаги бой меросини ўрганиш имконияти мавжуд. “Авесто” да ахлоқ ва маънавият масалаларига энг кўп тўхталинилган қисми “Ясна” бўлиб, у асосан Зардуштнинг ўзи томонидан яратилган гатлар, яъни қўшиқлардан иборат.[16] Унинг асосий қисми олий худо Ахурамаздага мурожати шеърий шаклда берилган бўлиб, диндаги эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, ўлимдан кейинги жазонинг мавжудлиги ҳамда муқаррарлиги каби асосий қоидаларни ўз ичига олади. Марказий Осиё халқлари ҳаётидаги қадимги даврдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ўзига хос хусусиятлари минтақа педагогикаси ривожида сезиларли таъсир кўрсатган. “Авесто” матнларини таҳлил қилар эканмиз, болаларда ахлоқий сифатларни шакллантириш масаласига етакчи масала сифатида қаралганлиги гувоҳи. Тарбия масаласида пайдо бўлган илк қарашлар гарчи унинг шакли ва мазмuni ҳар хил бўлишига қарамасдан, инсониятнинг шаклланиши билан бир вақтда пайдо бўлган. Тарбия масаласи доимо энг долзарб масала бўлиб келган. Ёшлар ижтимоийлашувида ахлоқий қадриятларнинг ўрни катта.[8] Жамият ривожланиши билан авлодларнинг ахлоқ-одоб муаммоларига муносабати ўзга ча мазмун касб этади. Ҳар бир даврнинг ҳам ахлоқ-одоб масалаларида ўз идеали мавжуд бўлгани каби, айрим мезонлар инсонларнинг ҳаёт тарзи, ўзига, жамиятга муносабати ўзгаришидан келиб чиқиб, инсонлар дунёқарashi, мақсадларига таъсир қилиши табиий жараён ҳисобланади. Шундай экан, ахлоқий қадриятлар муайян халқнинг инсонийлик ҳақидаги меъёрлари билан боғлиқ ҳолда миллий менталитет моҳиятида ўз ифодасини топади. Бироқ давр ўзгариши, жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ахлоқий қадриятлар ижтимоий ходиса сифатида динамик жараён сифатида намоён бўлиши ҳақида хулоса қилишимиз мумкин.[11]



## **Адабиётлар рўйхати**

- 1.Каримова М. А., Нажимиинова Д. Ф. ФАРЗАНД ТУФИЛИШИ ВА БОЛА ТАРБИЯСИ БИЛАН БОГЛИҚ УРФ-ОДАТЛАРДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЗЛАРИ //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 69-76.
- 2.Нажимиинова Д. Ф. ОИЛА ТИНЧЛИГИ ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 77-81.
- 3.Атаханов Р. С., Ахунов М. А. КАРАКАЛПАКЫ ФЕРГАНЫ: В ПРОШЛОМ И НАСТОЯЩЕМ (анализ полевых исследований) //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 82-90.
- 4.Ахунов М. А. ЗМ БОБУР АСАРЛАРИДА АДОЛАТЛИ ДАВЛАТ ФОЯСИ ХУСУСИДА //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 91-95.
- 5.Абдуллаев У. С. Традиционные и современные межэтнические связи в сельских местностях Ферганской долины : дис. – Ин-т истории, 1991.
- 6.Абдуллаев У. С., Каримова М. А. Обряды, связанные с посещением мазаров у женщин Ферганы: традиция и современность //Международный научно-исследовательский журнал. – 2015. – №. 6-4 (37). – С. 72-74.
- 7.Абдуллаев У. С., Каримова М. А. основные направления традиционных межэтнических процессов в ферганской долине (XIX–XX в. в) //Социально-гуманитарный вестник Юга России. – 2014. – №. 4. – С. 3-7.
8. Abduqayumovna K. M. INTERACTION OF OBJECT, SUBJECT AND SYNERGETIC CATEGORIES IN SCIENTIFIC WORK //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – Т. 3. – С. 25-29.
- 9.Каримова М. Improving technical philosophy and changing human thinking //O ‘zbekiston milliy universiteti xabarlari, 2022,[1/5] issn 2181-7324.
10. Абдуллаев, Улугбек Сайданович, and Рафик Сотволдиевич Атаханов. "ИЗ ИСТОРИИ УЗБЕКСКО-КИРГИЗСКИХ ЭТНОКУЛЬТУРНЫХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ (ПО МАТЕРИАЛАМ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)." Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов 2 (2014): 120-124.
11. Abdullayev U. S. TRAINING OF HIGHER EDUCATION PEADGOGICAL CADRES IN UZBEKISTAN DURING THE INDEPENDENCE YEARS: PROBLEMS AND SOLUTIONS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 7. – С. 125-129.
12. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. основные направления традиционных межэтнических процессов в ферганской долине (XIX–XX в. в) //Социально-гуманитарный вестник Юга России. – 2014. – №. 4. – С. 3-7.



13. Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар //XIX-XX аср бошлари). Тарих фанлари док. Дисс. – 2005. – Т. 2006. – С. 5.
14. Абдуллаев У. С. Изучение однонациональных и национально-смешанных семей в сельских местностях Андижанской обл //Новое в этнографии. – 1989. – №. 1. – С. 85.
- 15 Абдуллаев У. С. Традиционные и современные межэтнические связи в сельских местностях Ферганской долины : дис. – Ин-т истории, 1991.
- 16.Gulomjonovna N. D. Spiritual and Economic Factors of a Strong Family //Telematique. – 2023. – С. 7607–7611-7607–7611.

